

48.НС. - сон билан  
рўйхатга олинган



“Ўзбекистон ипотекани қайта  
молиялаштириш компанияси”  
акциядорлик жамияти  
Кузатов Кенгашининг  
2022 йил 9 ноябрдаги йиғилиши  
баённомаси билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”  
акциядорлик жамияти

## УСТАВИ

Тошкент – 2022й.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва тегишли қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти (Жамият), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сонли “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги 868-сонли “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамиятининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2019 йил 4 ноябрда ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, ташкилий тузилмаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур Устав, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида аниқланади.

### 1.4. Жамиятнинг давлат тилидаги фирма номи (кирилл ёзувида):

- Жамиятнинг тўлиқ фирма номи: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти;

- Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи: “ЎЗИҚМК” АЖ.

### Жамиятнинг давлат тилидаги фирма номи (лотин ёзувида):

- Жамиятнинг тўлиқ фирма номи: “O’zbekiston ipotekani qayta moliyalashtirish kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati;

- Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи: “O’zIQMK” AJ.

### Жамиятнинг рус тилидаги фирма номи:

- Жамиятнинг тўлиқ фирма номи: Акционерное общество “Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана”;

- Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи: ёки АО «УзКРИ».

### Жамиятнинг инглиз тилидаги фирма номи:

- Жамиятнинг тўлиқ фирма номи: Joint stock company “Mortgage Refinancing Company of Uzbekistan”;

- Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи: JSC “UzMRC”.

Жамиятнинг манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б-уй, Халқаро ҳамкорлик маркази, 14 қават, А блок.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzmrc.uz

## **2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

**2.1.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Жамият алоҳида юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил балансида ҳисобга олинган мол-мулкка эгалик қилади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

**2.2.** Жамият ўрнатилган тартибда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Жамият номуайян муддатга ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тегишли тартибда ипотекани қайта молиялаштириш компанияси сифатида рўйхатга олинган.

**2.3.** Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

**2.4.** Жамият ўз мол-мулкига мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилади ва унинг мол-мулки акциялар, асосий воситалар ва айланма маблағларни жойлаштиришдан ҳосил бўлган маблағлар, кўчар ва кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, йиғилган даромадлар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа усулларда олинган мол-мулкдан ташкил топади.

**2.5.** Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига (логотип), шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

**2.6.** Жамият маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга тўланадиган ҳақ ва мукофот пули миқдорларини мустақил аниқлаш ҳуқуқига эга.

**2.7.** Жамият ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларини бажариш учун Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида қонунчилик билан ўрнатилган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

**2.8.** Жамият ўз шўъба хўжалик жамиятлари мажбуриятлари учун

жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**2.9.** Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

**2.10.** Жамият Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ҳамда ўз акциядорлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

**2.11.** Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

**2.12.** Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

**2.13.** Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор Жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина Жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

### **3. ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ**

**3.1.** Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади банк ва бошқа кредит ташкилотлари (кейинги ўринда “**дастлабки ипотека кредити берувчилари**” деб аталади) томонидан ажратилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш орқали узок муддатли ресурсларни ажратиш ва Ўзбекистонда ипотека бозорини барқарор ривожланишига кўмаклашишдир.

**3.2.** Жамиятнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- Маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда - ХМИ ва ХХМТ) маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш;

- Аҳолининг арзон уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш;

- Шу жумладан ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш;

- Ипотека кредитлаш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш, ипотека бозорини ривожлантиришнинг замонавий услублари ва воситаларини татбиқ этиш, ипотека кредити ва ипотека қимматли қоғозлар бозорида хатарларни камайтириш ва ликвидликни ошириш;

- Ипотека кредити қайта молиялаштириш соҳасида, шу жумладан хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда методологик ва норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

**3.3.** Жамият ўз томонидан ўрнатилган талабларга жавоб берувчи дастлабки ипотека кредити берувчиларини қайта молиялаштиради.

**3.4.** Жамият ўз операцияларини молиялаштириш мақсадида акциядорларнинг маблағлари ҳамда ХМИ ва ХХМТнинг қарз маблағларини, шунингдек, қимматли қоғозлар чиқариш орқали маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидаги ўрта ёки узоқ муддатли ресурс маблағларни жалб этади.

**3.5.** Жамият томонидан қайта молиялаштирилиш учун дастлабки ипотека кредити берувчилари ўз ипотека кредитлари<sup>1</sup> бўйича талаб қилиш ҳуқуқини Жамият томонидан ўрнатилган шартларда Жамият фойдасига гаровга қўйишлари шарт.

**3.6.** Жамият томонидан қайта молиялаштирилган кредитлар ушбу қайта молиялаштиришни қайтарилишини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Мазкур кредитлар бўйича таваккалчилик дастлабки ипотека кредити берувчилари зиммасида бўлади. Жамиятнинг қайта молиялаш кредитлари Жамиятнинг кредит сиёсатида белгиланган бошқа ликвид воситалар билан ҳам таъминланиши мумкин.

**3.7.** Дастлабки ипотека кредити берувчилари ипотека кредити шартларини Жамият фойдасига лозим даражада бажаришларини таъминлайди.

**3.8.** Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган ипотека кредитларини қайта молиялашнинг бошқа шакллари ва усулларини ҳам қўллаши мумкин.

## **4. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ**

**4.1.** Жамиятнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

**4.2.** Жамиятнинг устав капитали миқдори 112 222 700 000 (бир юз ўн икки миллиард икки юз йигирма икки миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган

---

<sup>1</sup> Банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга уй жой сотиб олиш ва/ёки таъмирлаш учун ажратилган кредитлар назарда тутилади

112 222 700 (бир юз ўн икки миллион икки юз йигирма икки минг етти юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

**4.3.** Жамият қўшимча равишда ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 87 777 300 (саксон етти миллион етти юз етмиш етти минг уч юз) дона оддий акцияларни жойлаштириши мумкин (эълон қилинган акциялар). Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ёки ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилиши мумкин.

**4.4.** Жамият устав капиталининг миқдори:

- Жамият томонидан чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки қўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;

- Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

- Чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини камайтириш, шунингдек Жамият томонидан акцияларнинг олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

**4.5.** Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

**4.6.** Жамият томонидан қўшимча акциялар чиқарилаётганда, Жамият акциядорлари Жамият устав капиталидаги акциялар миқдорига мос равишда қўшимча акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгалар. Имтиёзли ҳуқуқни қўллаш муддати 10 кун.

**4.7.** Қўшимча акциялар фақат пул маблағлари орқали тўланади.

**4.8.** Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

**4.9.** Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

**4.10.** Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

**5.1.** Жамият фақат оддий акциялар чиқаради ва ҳар бир акция ҳужжатсиз шаклда ҳисобга олинади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

**5.2.** Дивидендлар жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

**5.3.** Жамият томонидан акция бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акция эгаларининг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади ва уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига қараб мутаносиб равишда тақсимланади.

**5.4.** Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

**5.5.** Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## **6. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

**6.1.** Жамият ўз соф фойдаси ҳисобидан захира фондини ташкил қилади.

**6.2.** Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

**6.3.** Жамият ўз устав капиталининг 15 фоиз миқдорда захира фондини ташкил этади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

**6.4.** Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **7. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

**7.1.** Жамият бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош ижроичи директор)

## **8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**8.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг олий бошқарув органидир.

**8.2.** Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили Жамиятни юридик рўйхатдан ўтган манзилда, кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланган бошқа манзилда ёки видео-конференц алоқа режимида ўтказилади.

**8.3.** Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

**8.4.** Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (ваколат муддати тугаган йилларда);
- Жамият молиявий ҳисоботлари, аудиторлар ва ходимларни ҳисоботларини эшитиш;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини эшитиш;
- Жамият фаолиятига боғлиқ бошқа масалалар.

**8.5.** Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

**8.6.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишлари кузатув кенгаши ташаббусига кўра, шунингдек ёзма талаб топширилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг беш фоиздан кам бўлмаган қисмига эгалик қилувчи акциядорларнинг ёзма талабига кўра ўтказилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишлари кузатув кенгаши қарорига асосан чақирилади.

**8.7.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш учун талаби қабул қилинган санадан эътиборан 10 кун ичида кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисида йиғилиш вақти, жойи ва кун тартиби кўрсатилган қарор қабул қилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш муддати, тегишли талаб қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан ошиши мумкин эмас.



**8.8.** Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги хабар Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида (Корпоратив ахборот ягона портали - [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) да) эълон қилинади ва йиғилиш ўтказиладиган кундан камида 21 кун олдин акциядорларга почта орқали жўнатилади.

**8.9.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси ва у узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тақдирда, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

**8.10.** Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш яқунланаётган вақтда Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий эллик фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (ёки уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлсалар, мазкур акциядорларнинг умумий йиғилиши тегишли тартибда ўтказилган ҳисобланади (кворум мавжуд ҳисобланади). Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжуд бўлмаса, акциядорларнинг умумий йиғилиши кейинга қолдирилади ва унинг вақти эълон қилинади.

**8.11.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Ҳар бир акциядор ҳар қандай вақтда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган вакилини алмаштириши ёки шахсан ўзи иштирок этиши мумкин.

**8.12.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “битта овоз берувчи акция – битта овоз” тамойилига асосан амалга оширилади.

**8.13.** Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилиш, қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**8.14.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш (Жамият устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно);
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Кузатув кенгашининг сон таркибини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Ёлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасида ва мазкур Уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг (Жамият соф активлари миқдори қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича аниқланади) эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Жамият Бош ижрочи директори Жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятига доир аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил равишда тузиши учун Жамиятнинг жорий хўжалик битимларини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-бобига асосан Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳисоботлари шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**8.15.** Акциядорларнинг умумий йиғилишлари баённомалари акциядорларнинг умумий йиғилиши тугаган кундан эътиборан 10 кун ичида икки нусхада тузилади. Ҳар икки нусха ҳам акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

**8.16.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори қонунчиликда назарда тутилган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона портали - [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) да эълон қилинади. Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари Республика Фонд Биржасининг котировка рўйхатига киритилган тақдирда, мазкуз қарорлар Фонд Биржасининг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилинади.

**8.17.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги низомга биноан чақирилади ва ўтказилади.

## **9. КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**9.1.** Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

**9.2.** Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

**9.3.** Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар.

**9.4.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат (кузатув кенгаши раиси билан бирга). Бунда, кузатув кенгаши мустақил аъзолари сони кузатув кенгаши жами аъзоларининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

**9.5.** Кузатув кенгаши ваколатига қуйидаги масалалар киради:

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида кузатув кенгаши таркибида Аудит Қўмитасини, Таваккалчиликни бошқариш Қўмитасини, Номзодлик ва мукофотлаш Қўмиталарини ташкил этиш, мазкур қўмиталарнинг ваколат доирасини тасдиқлаш, шу жумладан тегишли қўмиталар раисларини тайинлаш;

- Жамиятнинг бизнес ва капитал режаларини, Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини, жумладан Мол-мулк менеджменти, Бюджет менеджменти, Кредит ва молиявий менеджмент, Таваккалчилик менеджменти, Инсон ресурслари ва Ахборот технологиялари менеджменти бўйича ички норматив ҳужжатларни тасдиқлаш;

- Кредитларни қайта молиялаштириш учун яқка тартибдаги банкларга бериладиган максимал кредит лимитларини белгилашда ишлатиладиган параметрларни ва таваккалчилик лимитларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик бюджети ва молиявий кутилмаларини белгилаш;

- Жамиятнинг Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларга мос келувчи самарали ички назорат тизимига эга эканлигини таъминлаш;

- Жамиятнинг таваккалчиликни бошқарув сиёсатини, таваккалчиликка мойиллик ва таваккалчилик стратегиясини тасдиқлашни ўз ичига олувчи Таваккалчилик менеджменти тизими шакллантирилганлигини таъминлаш.

- Таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва назорат қилиш бўйича методологияни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Бош ижрочи директорини тайинлаш унинг ваколат доираси ва хизмат мажбуриятларини белгилаш ва фаолиятини йиллик асосда баҳолаш;

- Бош ижрочи директор тавсиясига асосан Молиявий директорни тайинлаш. Молиявий директор бўйича тавсиялар ўтказилган танлов асосида Кузатув кенгашига тақдим этилади;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар киритиш;

- Жамият самарадор ва шаффоф ташкилий тузилмага эга эканлигини таъминлаш;

- Ташқи аудиторларни тайинлаш ва уларнинг ҳақларини белгилаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар киритиш;

- Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари ўз вақтида ва тўлиқ топширилишини таъминлаш;
- Бош ижрочи директор ва Молиявий директор учун ҳисобдорлик талабларини, шу жумладан ҳисобот турлари ва уларнинг даврийлигини белгилаш;
- Бош ижрочи директор томонидан илгари сурилган йирик корпоратив мақсадлар, сиёсатлар, бюджет ва стратегик масалаларни қўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Заруриятдан келиб чиқиб, корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Акциядорлар олдида ҳисобдор бўлиш;
- Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Бош ижрочи директорга тўланадиган иш ҳақини белгилаш;
- Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Эълон қилинган акциялар миқдорида жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ва уставга бу билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш;
- Кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа

мутахассислари)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**9.6.** Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

**9.7.** Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

**9.8.** Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

**9.9.** Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

**9.10.** Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

**9.11.** Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизи кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш учун кворумни ташкил қилади.

**9.12.** Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

**9.13.** Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

**9.14.** Кузатув кенгаши йиғилиши баённомалари йиғилиш котиби томонидан тайёрланади ва ҳар бир йиғилишдан кейин 5 иш кунидан кеч бўлмаган муддатда кенгаш аъзоларга жўнатилади.

**9.15.** Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

**9.16.** Кузатув кенгаши мазкур Устав ва Жамият “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низоми асосида иш олиб боради.

**9.17.** Кузатув кенгаши фаолиятига қуйидаги қўмиталар ёрдам беради:

- Аудит Қўмитаси;
- Таваккалчиликни бошқариш қўмитаси;
- Номзодлик ва мукофотлаш қўмитаси.

## **10. ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШ ИЖРОЧИ ДИРЕКТОР)**

**10.1.** Бош ижрочи директор Жамиятнинг ягона ижроия органи ҳисобланади ва Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

**10.2.** Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Бош ижрочи директорнинг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар Жамият Уставида ўзгача назарда тутилмаган бўлса, Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

**10.3.** Бош ижрочи директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Жамиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ бошқаради.

**10.4.** Бош ижрочи директор Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

**10.5.** Бош ижрочи директор Кузатув кенгаши томонидан 3 йил муддатга тайинланади. У билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади ва шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

**10.6.** Бош ижрочи директорга тўланадиган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларига мос тарзда белгиланади.

#### 10.7. Бош ижрочи директорнинг ваколатига қуйидаги масалалар киради:

- Устав ва кузатув кенгаши томонидан белгиланган тарзда Жамиятнинг фаолиятини юритиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан шартномаларни имзолаш;
- Кузатув кенгашининг талаби ва рухсатига кўра унинг ишида, овоз бериш ҳукукисиз иштирок этиш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- Жамият штат таркибини тасдиқлаш, ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг иш йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва Жамият йиллик ҳисоботини халқаро молия стандартига мувофиқ тайёрланишини таъминлаш;
- Жамият фаолиятига доир маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумот ва ҳисоботларни акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар ва тегишли давлат органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- Амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига



риоя қилиш.

**10.8.** Бош ижрочи директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

## **11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**11.1.** Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

**11.2.** Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари (мавжуд бўлса) томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текширади, баҳолайди ва назорат қилади.

**11.3.** Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

**11.4.** Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## **12. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

**12.1.** Жамиятни қайта ташкил қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.

**12.2.** Жамиятни қайта ташкил қилиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклларида амалга оширилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этилиши унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворисга ўтишига олиб келади.

**12.3.** Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;
- Марказий банк томонидан ипотекани қайта молиялаштириш компаниялари рўйхатидан чиқарилганда;
- Суд томонидан банкрот деб эълон қилинганда.

**12.4.** Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда кузатув кенгаши

акциядорлар умумий йиғилишининг муҳокамасига тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш масаласини чиқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият тугатилиши ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

**12.5.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ипотекани қайта молиялаштириш компаниялари рўйхатидан чиқариш билан боғлиқ мажбурий тугатиш амалдаги қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

**12.6.** Жамият суд қарорига кўра тугатилганда тугатиш тартиби ва тугатувчини тайинлаш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12.7.** Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб жамият кредиторлар олдидан мажбуриятларга эга булмаса, унинг мол-мулки қонунга мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

**12.8.** Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

### **13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**13.1.** Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

**13.2.** Жамият қонунчиликда сақланиши мажбурий деб белгиланган барча ҳужжатларни сақлаши шарт ва ушбу ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларга тақдим қилиши ва/ёки фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

**13.3.** Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

**13.4.** Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

**13.5.** Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.


13.6. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

13.7. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

13.8. Агар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

13.9. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан, Жамиятнинг акциядорларининг 2022 йил 29 июндаги йиллик умумий йиғилишининг баённомаси билан тасдиқланган ва Юнусобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 13 июлда 776924-сон билан рўйхатга олинган Жамият Устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**“Ўзбекистон ипотекани қайта  
молиялаштириш компанияси”  
акциядорлик жамияти  
Бош ижрочи директори**



**М.Фарманов**

A handwritten signature in blue ink, located at the bottom right of the page.